
“БУНДАЙ ШАРОИТДА ФАҚАТ ЯЙРАБ ТАЪЛИМ ОЛИШ КЕРАК!” – СЎХ ТУМАНИДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун вилоят секторлари раҳбарлари билан Сўх туманидаги Офтобру маҳалласида барпо этилган янги 30-сонли умумий ўрта таълим мактабини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Очилиш тадбирида сўз олган вилоят ҳокими, Давлатимиз раҳбарининг Сўхга ва сўхликларга бўлган алоҳида эътибор ва ғамхўрликлари натижасини туманда бўлаётган катта ижобий ўзгаришларда яққол ҳис этиш мумкинлиги, ушбу халқаро стандартларга мос барпо этилган таълим муассасаси ҳам бу катта эътиборнинг бир меваси эканини қайд этди.

Инвестиция дастури асосида 13 миллиард сўм маблағ ҳисобига қуриб битказилган 330 ўринли ушбу мактабда 25 та замонавий жиҳозланган синф хонаси, компьютер зали, 30 ўринли кутубхона, спорт зали, фаоллар зали ҳамда 70 ўринли ошхона мавжуд.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-25 00:59:23